



ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев таклифига биноан 5-6 сентябрь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоевнинг Ала-Арча қароргоҳида 5 сентябрь куни бўлиб ўтган учрашувида мамлакатларимиз ўртасида барча соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш, истиқболда амалга ошириладиган ҳамкорликка оид масалалар муҳокама қилинди.

Мулоқотда «Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой» темир йўли магистрალი лойиҳаси қисқа муддатларда амалга оширилишидан томонлар манфаатдор экани таъкидланди. Бу минтақада ички товар айланишининг ўсиши ва Марказий Осиёнинг «Шарқ — Ғарб» йўналиши бўйича манфаатли транзит бўлини сифатидаги жозибadorлигини ошириши қайд этилди.

Минтақа ва давлатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни сезиларли даражада кенгайтиришга имкон берадиган ҳамда уларнинг иқтисодий тараққиётига қўшимча суръат бағишлайдиган «Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой» анги автотомобиль йўлагини шакллантириш муҳимлиги эътироф этилди.

2017 йилнинг ўтган даврида икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 60 фоиз ўсиб, 150 миллион долларни ташкил қилди. Музокараларда бу кўрсаткични яқин йилларда 500 миллион долларга етказиш имконияти мавжудлиги қайд этилди.

Ташриф якунлари бўйича Президентлар Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида Қўшма баёнот ва Ўзбекистон — Қирғизистон давлат чегараси тўғрисида шартномани имзолалди.

Азалдан ёнма-ён, ҳамжиҳат яшаб келадиган ўзбек ва қирғиз халқларининг орзу-ниятларини рўйга чиқариш, уларнинг яқин қариндошлик асосидаги ўзаро алоқаларини янада ривожлантириш йўлида зарур бўладиган барча шарт-шароитни яратиш учун бор имконият ва салоҳиятимизни ишга соламиз, деди Президентимиз раҳбари.

Андижон ва Ўш шаҳарлари ўртасида имзоланган савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги битим ўзининг долзарблиги билан тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Икки давлат Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим соҳа вакиллари ўзаро тажриба алмашиши учун муҳим кадам бўлди. Ташриф доирасида бир гуруҳ тадбиркор юртдошларимиз Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган бизнес-форумда қатнашди. Улар Қирғизистонда бизнес вакилларига яратилган шароитлар билан танишиш жараёнида ўзлари-га ишончли ҳамкорлар ҳам топди.

Икки давлат тадбиркорлари ҳеч қандай тўсиқларсиз доимий мулоқот қилишлари керак. Уларнинг самарали ҳамкорлик қилиши учун барча имкониятларни яратиб берамиз. Бу борада қўйилган қадамлар, албатта, ўз натижаларини беради, деди Шавкат Мирзиёев.

Ўз навбатида, Алмазбек Атамбоев Ўзбекистон Президентининг давлат ташрифи икки давлат дўстлик муносабатларида янги истиқболлар очган тарихий воқеа бўлиб, қўлаб долзарб масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этгани, қардош халқларимиз муносабатларида янги давр, янги босқични бошлаб берганини алоҳида таъкидлади.

Парламентлараро ҳамкорлик тўғрисида имзоланган меморандум ташрифнинг иккинчи кунда амалий ҳаракатлар билан мустаҳкамланди.

Давлатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган қароргоҳда Қирғизистон Республикаси Жогорку

Кенешининг раиси Чинибай Турсунбековни қабул қилди.

Қўп асрлар давомида шаклланган дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини юксак қадраймиз. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишонч асосига қурилган ҳамкорлики ривожлантириш ташки сиёсатимизнинг муҳим йўналишларидан биридир, деди Шавкат Мирзиёев.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатлари барча соҳаларда янги босқичга кўтарилимоқда. Президентимиз ташрифи давомида имзоланган Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги давлат чегаралари тўғрисидаги шартнома ана шу ҳамкорлиқнинг ёрқин намунаси. Эндиликда икки давлат парламентлари олдида бу тарихий ҳужжатни ратификация қилиш ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш вазифаси турибди.

Парламентлараро дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошида алоҳида парламент гуруҳи тузилди.

Давлатимиз раҳбари Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеш раисини Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва янгилаштирилган билан танишиш, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш учун Ўзбекистонга таклиф этди.

Бундан ташқари, имзоланган муҳим ҳужжатлар икки давлатнинг савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда азалий дўстлик ва ҳамжиҳатлик асосига қурилган алоқаларининг мантиқий давоми бўлди.

Шундан сўнг Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси Бош вазири Сапар Исаковни қабул қилди ва уни ушбу масъулиятли лавозимга тайинлангани билан табрикледи.

Бу масъулиятли лавозимда Сизга омад тилаб, давлатларимиз ўртасида эришилган келишувлар ижросини амалиётга самарали татбиқ этишда бор куч-ғайратингизни аямасиз, деб ишонамиз, деди Президентимиз.

Сапар Исаков Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи давомидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлигида янги босқични бошлаб берганини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда давлат ташрифи якунлари бўйича эришилган келишувлар, имзоланган ҳужжатлар икки халқ ўртасидаги азалий дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Учрашув доирасида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон Республикасининг чегараолди вилоятлари ҳокимлари ва Қирғизистон Республикаси ҳукуматининг чегараолди вилоятларидаги ваколатли вакиллари Кенгашини ташкил этиш тўғрисида англашув меморандуми имзоланди.

Ташриф якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоевга самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, уни давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келишга таклиф этди.

Давлатимиз раҳбарининг Қирғизистон Республикасига давлат ташрифи низоҳасига етди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни «Манас» халқаро аэропортида Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоев кузатиб қўйди.

Абу Бакир ҲОЗОВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент — Бишкек — Тошкент



ИККИ ҚАРДОШ ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

Андижон вилояти Хўжабод туманидаги «Дўстлик» чегара мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Андижон вилояти ҳамда Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти вакиллари ўрашуви бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоевнинг таклифига биноан 5-6 сентябрь кунлари ушбу мамлакатда давлат ташрифи билан бўлди. Ташриф доирасида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш истиқболлари, мамлакатларимизнинг чегараолди ҳудудлари алоқаларини фаоллаштириш каби халқларимиз манфаатларига хизмат қиладиган қатор келишувларга эришилди.

Қирғизистон Республикасидан ташриф буюрган меҳмонлар давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, мамлакатимизда истиқомат қиладиган қирғиз миллатига мансуб юртдошларимиз, кенг жамоатчилик ва ёшлар иштирокида қарнай-сурнай садолари остида кутиб олинди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари учрашувидан кейин ташкил этилган мазкур тадбирда Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдурахмонов, Ўш вилояти губернатори Т.Сарибашев, Ўш шаҳри мэри А.Қадимбоев халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари қадим тарихга эга бўлиб, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу ташрифи икки давлат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш, яқин қўшничилик муносабатларини юқори босқичга кўтаришда янги саҳифа очганини таъкидлади.

Давлат раҳбарлари учрашувида эришилган келишувлар асрлар давомида ёнма-ён яшаб келадиган, тили, дини ва дили бир икки қардош халқни беҳад қувонтирди.

— Мен қирғиз миллатига мансуб Ўзбекистон фуқаросиман ва бундан фахрланаман, — дейди Хўжабод туманидаги 10-умумтаълим мактаби қирғиз тили ўқитувчиси Хоним Арзиева. — Қирғизистонда қариндошларим кўп. Биз асрлар давомида қўшни бўлиб яшаганимиз, Қирғизистонга қиз бериб, қиз олганимиз. Кейинги йилларда улар билан борди-келди қилишда айрим қийинчиликлар юзга келган эди. Халқларимизни янада яқинлаштиргани, ўзаро алоқаларимизни ривожлантиришда

кенг имкониятлар очгани учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевдан чексиз миннатдоримиз. Ўзбекистонимизда турли миллат вакиллари ўз тили, маданияти, урф-одат ва аънавларини ривожлантириши учун барча шароит яратилган. Шундай бағри кенг, озода ва обод юрда яшаётганимиз учун Яратганга шукроналар айтаман. Дўстлигимиз абадий бўлсин.

— Бугунги учрашув икки қўшни халқ ўртасидаги ҳақиқий дўстлик байрамига айланиб кетди, — дейди Қирғизистон Республикасидан хизмат кўрсатган маданият ходими, «Ўш» халқаро альманахи бош муҳаррири Салима Шарипова. — Мана шу кунни халқларимиз кўп йиллар кутиб яшади. Ўзбекистон Президентининг

ташаббуси билан энди қўшничилик муносабатларимиз, ҳамкорлигимиз янада юқори босқичга кўтарилишига ишонамиз. Бундан икки халқ ҳам фақат наф қўради.

— Мен уч марта Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеш депутатлигига сайланганман, — дейди ўшлик меҳнат фахрийси Мукамбек Аликулов. — Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари янгича мазмун касб этаётганидан бошимиз кўкка етмоқда.

— Вилотимизда қирғиз миллатига мансуб аҳоли кўп, — дейди Андижон вилояти Қирғиз миллий маданий маркази раҳбари Обиджон Носиров. — Тангрига шукр, бағри кенг ва обод Ўзбекистонда яшаймиз. Миллий аънавларимизни ривожлантириш, она тилимизда ўқиш учун барча шароит яратилган. Бугунги кунда вилотимиздаги 20 дан ортиқ умумтаълим мактабиди қирғиз тили ўқитилади, Андижон давлат университети филология факультетининг қирғиз тили ва адабиёти йўналишида 70 дан ортиқ ёш тахсил олмоқда. Икки қардош халқ ўртасидаги қўшничилик муносабатлари янада ривож топаётганидан, айниқса, биз жуда хурсандимиз. Бунинг учун давлатимиз раҳбаридан беҳад миннатдоримиз.

Учрашув якунида бадиий жамоалар, ёш санъаткорлар иштирокида «Дўстлигимиз абадий бўлсин!» деб номланган концерт дастури намойиш этилди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.



Масъуллар нима дейди?..

ДЕПУТАТЛАР МУАММОНИ КЎТАРИШДАН ҚЎРҚАДИМИ?..

Ўзининг депутатлик бурчини бажараётганлар борлигини инкор этиб бўлмайди. Аммо бугунги ҳаёт талабини ҳали-ҳамон англаб етмаган депутатлар оз эмаслигини кузатишлар кўрсатмоқда. Бунинг сабаби нимада? Ёки депутатлар муаммони кўтаришдан қўрқадими?..

2

ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Кун кеча Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида АҚШнинг нуфузли нашрларидан бири «The Wall Street Journal» мухбири Ярослав Трофимов билан учрашув бўлиб ўтди.

Ушбу нашр кунига 1,2 миллион нусхада чоп этилади ва ойига 42 миллион интернет-ўқувчига эга. Унда сиёсат, иқтисодиёт, молия, маданият янгиликларига доир таҳлилий материалларга кенг ўрин бериб борилади.

Учрашув давомида мухбир 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган янгилаштирилган, бунёдкорликлар билан таништирилди.

Иқтисодиёт вазири Галина Саидова мамлакатимиз иқтисо-

диётидаги таркибий ўзгаришлар, жумладан, қишлоқ хўжалиги, солиқ тизими, божхона ва валюта соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг самарали ривожланиши учун яратилган қўлай ишбилармонлик муҳити тўғрисида батафсил маълумот берди.

Шунингдек, учрашувда Ўзбекистон Республикасининг яқин ва узоқ қўшни давлатлар билан савдо-сотиқ алоқаларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари тўғрисида ўзаро фикр алмашилди.

Ўз мухбиримиз.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг.

«ХАЛҚ БОЙ БЎЛСА, ДАВЛАТ
ҲАМ БОЙ ВА ҚУДРАТЛИ БЎЛАДИ»

• МАСЛАҲАТЛИ ТҶЙ ТАРҚАМАС

www.uzbekistonovozi.uz



ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИДА

мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар масъулиятини янада ошириш зарур



болаларни ялпи комплекс скрининг кўригидан ўтказиш масалаларида ҳамон камчиликлар учраб турибди.

Шу боис ногиронлар учун реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш масаласи муҳим аҳамиятга эга.

Турсунпўлат НОРБОВЕ,
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Давлат бюджетининг жорий йил биринчи чоракдаги ижроси ҳақидаги ҳисоботни ҳар томонлама таҳлилдан ўтказдик. Партиямиз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, ижтимоий соҳа харажатларига алоҳида эътибор қаратдик.

Давлат бюджет ижроси камчиликлардан холи эмас, албатта. Сайловчилар билан бўлиб ўтаётган учрашувларда халқ таълими, соғлиқни сақлаш, йўл қурилиши масалаларида фуқаролардан мунтазам мурожаатлар тушмоқда. Биз ўрганишлар натижасида аниқланган камчиликлар юзасидан депутатлик сўровлари билан чиққанимизда мутасадди ташкилотларнинг буларга ўз вақтида жавоб бермаётгани, айрим ҳолларда юзаки жавобларга дуч келямиз. Фуқаролар, сайловчилар эса биздан аниқ жавоб ва натижа кутади. Ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашаётган айрим ташкилотлар раҳбарлари аҳолини ўйлантираётган масалаларга ҳамон бефарқ. Шиддатли давр эса ҳар биримиздан талабчан ва масъулиятли бўлишни тақозо қилмоқда.

Қизгин муҳокамалардан сўнг Ўзбекистон ХДП фракцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2017 йил биринчи ярим йиллик якунлари ижроси тўғрисидаги ҳисобот кўллаб-қувватланди.

Гулрух ОДАШБОВЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзХДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Молия вазири ўринбосари Ёркин Турсуновнинг Давлат бюджетининг биринчи ярим йиллик якунлари тўғрисидаги ҳисоботи қизгин муҳокама этилди.

Давлат бюджетининг даромадлари 22 458,9 миллиард сўмни, харажатлари эса 22 350,6 миллиард сўмни, яъни ялпи ички маҳсулотга нисбатан 21,8 фоизни ташкил қилди.

Ярим йиллик якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 7,0 фоизни ташкил этгани мамлакатимизда бир неча йиллардан буён иқтисодий барқарорлик муҳити сақланиб қолаётганини кўрсатмоқда.

Таъкидландики, Давлат бюджет ижросида ижтимоий соҳаларни кўллаб-қувватлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш тадбирларини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни

сақлаш тизимини ривожлантириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш масалаларидаги ўзгаришлар шулар жумласидандир.

Фракция аъзолари томонидан муҳокамадор давомиди бир қатор савол ва таклифлар берилди. Хусусан, Қонунчилик палатасида бюджет ижроси кўриб чиқиляётганда йил бошида тасдиқлаб берилган параметрларга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди.

Шундан келиб чиқиб, ҳисоботда ижтимоий соҳалар бўйича ярим йиллик режа қанча бўлгани ва унинг ижроси неча фоизга бажарилгани борасида аниқроқ маълумот берилиши лозимлиги қайд этилди.

Зулайхо Акрамова,
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Маълумки, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Ҳисоботда бандликка кўмаклаштириш давлат жамғармаси даромадлари 21,4 миллиард сўм, харажатлари 21,1 миллиард сўмни ташкил этгани маълум қилинган. Эътибор қаратайлик, маблағларнинг 81,3 фоизи Бандликка кўмаклаштириш марказлари ва бюроларни сақлаш учун ҳамда моддий рағбатлантириш учун ажратилган. Демак, асосий маблағ жамғарманинг ўзига ишлатилган, 7,8 фоизи эса ишсизларни кабога тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишга, 7,5 фоизи ишсизлик нафақаларини тўлаш ва ишсизларни ҳақ тўланадиган ишларга жалб қилишга сарфланган.

Бундан ташқари, туғма ва наслий касалликларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, ёш

Масъуллар нима дейди?..

ДЕПУТАТЛАР МУАММОНИ КЎТАРИШДАН ҚЎРҚАДИМИ?..

Ислохотларнинг бугунги босқичида депутатлардан ўз фаолиятини жиддий кучайтириш талаб этиляпти. Чунки ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, турмуш даражасини оширишга нафақат маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, балки маҳаллий вакиллик ҳокимияти теппа-тенг жавобгар бўлиши, масъулиятни ўз зиммасига олиши лозим.

Мавзуга қўл уришдан олдин анча пайт халқ депутатлари Навоий вилояти, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП депутатлари фаолиятини кузатиб бордим. Тўғри, партиямиз гуруҳлари ташаббуси билан электрот манфаатларига алоқадор муайян масалалар назорат-таҳлил тартибиде ўрганилмоқда. Аҳоли мурожаатларини ҳал этишда депутатлик сўрови имкониятларидан фойдаланилмаяпти.

Навоий вилоятидаги маҳаллий Кенгашларда партиямиздан сайланган 82 нафар депутат фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг вакиллик ҳокимиятида ўз ўрни бор. Вилоят ёки туман миқёсида амалга оширилаётган кўпгина ташаббусларда депутатларнинг ҳиссаси ортиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида мутасаддиларга 378 депутат сўрови юборилган. Бироқ айрим ҳудудларда депутатлар фаолияти ҳамон сустлигича қолмоқда.

Халқ депутатлари Зарафшон шаҳар Кенгашида партиямизнинг 7 нафар депутати бор. Лекин улар сайловчиларни ўйлантириб келаётган муаммоларни ҳал этишда етарлича ташаббус кўрсатмаяпти. Зарафшон шаҳар Кенгаши депутати Нодир Давлатов ўтган йил бошидан буён мутасадди ташкилотлар раҳбарларига бор-йўғи 2 депутатлик сўрови юборган.

Савол туғилади. Н. Давлатов сайланган ҳудудда муаммолар йўқми? Ёки депутат одамлар билан мулоқот қилиш, уларнинг оғирини енгил қилиш учун вақт тополмаяптими?..

Зарафшон шаҳар Кенгаши депутати Расул Ғофуров электрот манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида масъул раҳбарларга 14 депутат сўрови юборган. Уларнинг 9 таси бўйича ижобий натижага эришилган. Қолгани ўрганилмоқда. Демак, депутат хоҳласа, ўз ваколатидан фойдаланиб, одамлар манфа-

атиға хизмат қиладиган қатор ташаббусларни кўрсатиши мумкин. Бунинг учун интилиш ва изланиш бўлиши керак.

Депутат сайловчилар билан тез-тез мулоқотда бўлса, шунда уларнинг муаммоларидан хабардор бўлади. Маҳаллий Кенгаш сессияларида аҳолини ўйлантираётган масалаларни бемалол айта олади. Таклиф ҳам, ташаббус ҳам вуҷудга келади. Масала сессияда кўрилди, демак унга ижро ҳокимияти вакиллари, ҳудуддаги ҳар бир мутасадди ташкилотнинг эътибори қаратилади. Бироқ халқ депутатлари Учқудук туман Кенгашидаги партиямиз гуруҳи аъзолари бунинг аҳамиятини тушуниб етмаётган кўринади.

Ушбу тумандаги депутатларимиз йил бошидан буён битта ҳам масалани сессияга олиб чиқмади. Демак, одамларнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Депутатлик сўрови имкониятларидан ҳам деярли фойдаланилмапти.

Ҳудудларда ислохотлар самарадорлиги ошишида маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик бирлашмаларининг ўрни катта бўлиши керак. Бунинг учун ҳар бир депутат ўз кузатувлари, таҳлил ва хулосага эга бўлиши талаб этилади. Аммо аксарият ҳолларда бундай

бўлмапти. Сессияларда эса доимий равишда уч-тўрт нафар депутатдан бошқа ҳеч ким сўзга чиқмаяпти.

— Жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганиш, йўл қўйлаётган камчиликлар ва уларнинг сабабларини муҳокама қилиб бориш, энг муҳими, муаммоларни ҳал қилиш бўйича таклифлар бериш борасида фаоллик кўрсатишимиз зарур, — дейди **халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Муҳаббат Темирова**. — Бу орқали жойларда қонунлар ижроси самарадорлиги таъминланади, ҳаётий таклифлар кўпайишига замин яратилади.

Партиямиз гуруҳлари ташаббуси билан мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботини сессияда эшитиш тажрибасидан унумли фойдаланиш бирламчи вазифалардан ҳисобланади. Бу нафақат ижро ҳокимияти органлари ва мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини оширади, балки депутатлардан ҳам фаоллик, масъулиятни тақозо этади. Чунки муайян масала бўйича ҳисобот эшитишдан олдин депутат ҳудудларнинг ҳолатини чуқур ўрганади, савол ва таклифлар тайёрлайди. Кўтарилган масала ечими бевосита депутат эътиборида туради.

— Депутат фаолиятининг самарадорлиги кўн жиҳатдан партия билан қай даражада ҳамкорлик қиляётганига боғлиқ, — дейди **ЎзХДП Навбаҳор туман кенгаши раиси Музаффар Шодиев**. — Электрот манфаатларига дахлдор масалаларни кўтариб чиқиб, асослаб беришда биз ҳам депутатларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишимиз, уларнинг таклифлари, ташаббусларини кўллаб-қувватлашимиз керак. Шунинг учун депутатларимиз билан доимий ҳамкор ва ҳамфикр бўлиб ишлашга ҳаракат қиляпмиз.

Ўзининг депутатлик бурчини бажарётганлар борлигини инкор этиб бўлмайди. Аммо бугунги ҳаёт талабини ҳали-ҳамон англаб етмаган депутатлар оз эътиборини кузатишлар кўрсатмоқда. Бунинг сабаби нимада? Ёки депутатлар муаммони кўтаришдан қўрқадими? Навоий вилоятида депутатлар, партия гуруҳлари фаоллигини кучайтириш бўйича қандай аниқ чора-тадбирлар кўриляпти? Электрот вакилларини ўйлантираётган масалаларни кўтариб чиқиб, ҳал этиш бўйича муайян режалар борми?

Масъуллардан ушбу саволларга жавоб кутамиз.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САВОЛ ВА ЖАВОБ

Ҳамма нарса инсон манфаатига қаратилган



Президентимизнинг «Ногиронларни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши орқали жисмоний имконияти чекланган фуқароларни кўллаб-қувватлаш бўйича қандай ишлар олиб борилади?

Дилноза Сиддиқова,
(Фарғона вилояти, Риштон тумани)

Феруза Эшматова,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ушбу фармойиш ногиронларни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтаришга хизмат қиладди. Бу орқали уларга тиббий-ижтимоий ёрдам бериш тизимини янада такомиллаштириш, ногиронларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, таълим олиш ва ишга жойлашишда ҳар томонлама кўмаклашиш мақсад қилинган.

Фармойишга мувофиқ, ногиронларни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия ташкил этилди. Қонунчиликни ундаги бўшлиқлар, камчиликлар ва коррупциявий омилларни аниқлаш нуктаи назарини инвентаризация ва таҳлил қилиш унинг асосий вазифаси ҳисобланади. Шунингдек, ушбу комиссия ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳолатини, уларнинг таълим олиш ва ишга жойлашиш ҳуқуқлари амалга оширилишини, ваколатли органлар фаолиятини таққидий ўрганади.

Тиббий-малакавий комиссиялар ва тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятини шаффофлик ва очиқликни таъминлаш, тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уларнинг муддатларини қисқартириш мақсадида қайта кўриб чиқади.

Фармойишда, шунингдек, туғма ва наслий касалликларни барвақт аниқлаш ҳамда олдини олиш, аҳолининг кенг қатламлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни тубдан кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирги пайтда ногиронларни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича таклифлар шакллантириляпти.



Яқинда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси аҳолисида 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинганидан хабарим-бор. Қарор асосида тиббиёт соҳасида қандай ўзгаришлар бўлади? Шу ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз...

Ирода Исломова,
ҳамшира (Тошкент вилояти, Қибрай тумани)

Саттор Раҳматов,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Аввало таъкидлаш керакки, мазкур қарорда ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларини белгилаш, унинг географиясини туман (шаҳар) даражасига кенгайтириш, ҳудудий ихтисослашган тиббиёт ташкилотларига ташкилий-методик раҳбарлик қилиш учун республика ихтисослаштирилган марказларининг масъулиятини ошириш, уларнинг амалиётига тиббий ёрдамнинг замонавий усуллари ва технологияларини кенг жорий этиш назарда тутилган.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкилотларига эса махсус тасдиқланган ҳава бўйича туман (шаҳар) ва вилоят даражасидаги ташкилотларнинг тор ихтисослашган мутахассислари томонидан маслаҳатлар берилиши, шунингдек, даволаш ва маслаҳат-диагностика йўналишлари бўйича ихтисослаштирилган тиббий ёрдамнинг айрим турларини кўрсатиши белгиланган.

Қарорда, шунингдек, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимида республика бўйича ва ҳар бир минтақада касалликлар тенденцияларини ўз вақтида аниқлашни таъминлайдиган замонавий таҳлилий ва илмий-тадқиқот ишларини кенг қўллаш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, етакчи республика ихтисослаштирилган даволаш-профилактика ташкилотлари республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларига айлантирилиб, уларнинг асосий вазифалари белгиланди.

Бу марказлар ўз ихтисослиги бўйича ягона методик, технологик, даволаш ва профилактика сиёсатини амалга ошириш, замонавий тиббиёт ускуналари ва технологияларига, дори воситалари ва тиббий буюмларга бўлган эҳтиёжни аниқлайди.

Шунингдек, марказлар Тошкент врачлар малакасини ошириш институти тиббиёт ходимларининг, ихтисослашган ҳудудий тиббиёт ташкилотлари ходимларининг малакасини тизимли равишда оширади, тор мутахассисликлар бўйича кадрларни тайёрлайди. Етакчи халқаро тиббиёт марказлари, клиникалар ва юқори малакали хорижий мутахассислар билан ҳамкорлик қиладди. Шу жумладан, маслаҳатлашувлар ва маҳорат дарслари ўтказиш учун уларни республикага таклиф этади, соғлиқни сақлаш тизими маҳаллий мутахассисларнинг чет элда ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ва клиникаларида тажриба орттиришини таъминлайди.

Қарорга мувофиқ, 2018 йил 1 январгача ихтисослаштирилган тиббий хизматлар ва юқори технологик тиббий ёрдамдан фойдаланишга муҳтож бўлган беморларнинг доимий янгиланадиган ягона электрон маълумотлар базаси шакллантирилади. 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда барча ихтисослаштирилган марказларда, вилоят филиалларида, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида врач қабулгига масофадан ёзилиш имконини берадиган электрон дастур жорий этилади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қарор мамлакатимизда, айниқса, вилоят ва туманларда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини тубдан оширишга хизмат қиладди.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди.

Сессияларда доимий равишда уч-тўрт нафар депутатдан бошқа ҳеч ким сўзга чиқмаяпти.

ЗОМИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ

сайёҳларни лол қолдириши тайин

Она табиатнинг ўзи ҳусну тароват бағишлаган, мусаффо ҳавоси, зилол сувлари билан инсон руҳиятига, саломатлигига ижобий таъсир ўтказадиган сўлим гўшалардан бири Зомин туманидир.

Бир томони кўм-кўк арчазорлар, турфа хил гиёҳлару гуллар билан қопланган пурвиқор тоғлар, паст-баланд қир-адирлар, иккинчи томони бепоён дашту далаалардан иборат туманнинг тарихи қадим замонларга бориб тақалади.

Истиқлол йилларида туманнинг шаҳар ва қишлоқлари замонавий қиёфа касб этди. Айни пайтда 12 қишлоқ ва 28 маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида 168 минг нафар аҳоли истиқомат қилаяпти.

Туман маркази бўлмиш Зомин шаҳарчасининг кенг, равон кўчаларини кезиб, боғу роғлар, хиёбонлар, сайлгоҳларида сайр этиб, баҳри дилингиз очилади. Бири биридан кўркам бино ва иншоотлар, энг диди нозик инсонларга ҳам маъқул ва манзур бўладиган уй-жойларни айтмайсиэми?..

Яхшиси, бугунги Зомин, унинг ҳуснига ҳусн қўшаётган ўзгаришлар, қувончи янгиликлар ҳақида зоминликларнинг ўзларидан эшитайлик...




Пўлат Тожибоев, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими раиси:

— Ҳаётда яхши-ёмон кунларни кўрдим. Лекин бу қадар кенг кўламли бунёдкорлар шу даражада қисқа муддатда амалга ошганини

метр баландликка чиқсангиз, нафас олиб тўймайсиз. Зилол булоқ сувларини эса ичган сари ичгинг келади.

Ислом Холмўминов, «Нурли кент» маҳалласида истиқомат қилувчи тадбиркор:

— Туманимизда кўплаб



тадбиркорлик субъектлари ва кичик корхоналар фаолият юритмоқда. Тижорат банклари уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келаяпти. Натижада аҳолининг иш билан бандлик даражаси ортаётган. Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар, аҳолига пуллик хизмат кўрсатувчилар, хусусий савдо ҳамда маиший хизмат турлари билан шуғулланувчилар сонининг кўпайиши оилалар даромадларининг ортисига имкон яратмоқда. Корейлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда барпо этилган «TRUST ELECTRONICS» МЧЖ компьютерлар учун мониторинг ишлаб чиқаради. Йилига умумий қиймати 30 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлган қўшма корхонада бугун 50 нафардан кўпроқ зоминлик ёшлар меҳнат қилмоқда. Пахта толасидан йилнинг тўрт мавсумига мос ўн беш турдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқараётган «Polatoshion textil» корхонаси тамғаси қўйилган кийим-кечаклар асосан хорижга экспорт қилинган. Бу билан фахрланмай бўладими?..

Дарвоқе, яқин йиллар ичида туманда сайёҳлик, жумладан, экосаёҳлик бўйича янги лойиҳаларни ишга тушириш мўлжалланмоқда. Хусусан, Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси, «Ўзбекнефтегаз» МХК, «Ўзбекэнерго» АЖ, Олмалик кон-металлургия комбинати, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан тоғли ҳудудларда барча қулайликларга эга бешта замонавий санаторий ва дам олиш уйлари қурилади. Бунинг учун «Уриқлисий» ҳудудидан 2,2 гектар, «Олмалик» мавзедан 5 гектар ер майдонлари ажратилган.

Туманнинг тоғли ҳудудлари турли-туман шифобахш гиёҳларнинг ўзига хос хазинаси. Улардан дори-дармонлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Зоминфарм» эркин иқтисодий зонаси учун 100 гектар ер майдони ажратилди. Корхонада дастлабки ойларда 400 мингтадан дори препаратлари тайёрланса, тўлиқ ишга тушгандан сўнг 5 миллиондан зиёд суспензия, 15 миллионга яқин дори ва 5 миллионга донатор ва кукукли дори-

дармонлар ишлаб чиқарилади.

2017-2018 йилларда замонавий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ва музлатгич сифимлар бунёд этилади. «Ўзбеккозиқовқатхолдинг» томонидан 6 миллион АҚШ доллари қийматидаги 15



минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, саралаш ва қадоклаш линияларига эга корхона қурилиши бошлаб юборилган.

Қўйчиликка ихтисослашган «Зомин Зафар чорваси», асаларичилик йўналишидаги

«Зомин асл асали», лалми ерлардан унумли фойдаланиш мақсадида иссиқхоналарни ўз ичига олган «Like Periods» агрофирмалари ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари, 4 минг гектар шартли суғориладиган майдонларда томчилатиб суғоришга мослаштирилган интенсив боғ ва узумзорлар яратилган. Яқин келажакда тоғлар бағрида вино ва шарбат тайёрлайдиган замонавий корхоналар ҳам очилади.

Яна 130 минг гектар яйлов, 57 минг гектар ўрмонзорлардан ҳам самарали фойдаланиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар даромадларини кўпайтириш имкониятлари изланмоқда.

Зоминнинг жаннатмонанд, хушманзара жойлари кўп. Ҳудудда давлат ўрмон хўжалиги, Миллий табиат боғи, қўриқхона мавжуд. Уларда 60 дан ортиқ турдаги шифобахш гиёҳлар, бири-биридан гўзал ўт-ўланлар, анвойи дарактлар, гуллар ўсади.

Тоғ тепасидаги 700-800 ёшли қадим бобоёнқоқлар, асрларга мансуб «Мис қалъаси» обидаси, қатор зиёратгоҳ ва қадамжолар, «Уриқлисий», «Шаршара»

РАНГ-БАРАНГ ДУНЁ

BREXIT

Ҳеч қачон амалга ошмаслиги ҳам мумкин



Буюк Британиянинг Евроиттифокдан чиқиши (Brexit) асосий ички партиялар ўртасидаги тушунмовчиликлар туфайли ҳеч қачон амалга ошмаслиги ҳам мумкин экан.

Олдинроқ Буюк Британиядаги ҳукумрон Консерватив партиядаги евроинтеграция тарафдорлари ЕИ таркибидан чиқиш доирасида умумевропа қонунчилигининг бекор қилиниши тўғрисидаги қонун лойиҳасининг қабул қилинишига тўсқинлик қилаётгани ҳақида хабар берилганди. Маълумотларга кўра, камидан олти консерватор депутат ўзининг сиёсий рақибини қўллаб-қувватлашга тайёр бўлиб, улар Brexit ҳақидаги қонун лойиҳасининг асосий қисмига қарши чиқмоқда.

Лондон ва Брюссель ўртасидаги расмий музокаралар 19 июнь куни Бельгия пойтахтида бошланди. Ушбу музокаралар 2018 йилнинг ноябрга қадар давом этиши кўзда тутилган. Келишувга кўра, Буюк Британия 2019 йилнинг март ойи охиригача Евроиттифокни тарк этиши керак.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА

66 миллион йиллик динозавр суюқлари топилди



АҚШнинг Колорадо штатининг Тортон шаҳридаги қурилиш майдончасида 66 миллион йиллик трицератопс динозаврининг суюқлари топилди.

Денвер табиат ва фан музейи куратори Жо Сертининг айтишича, қурувчилар динозавр суюқларини кўп қўл миқдорда бўлган ҳудудда аниқлашган. Шу сабабли қазихи ишлари анча тез бормоқда.

Айни вақтда динозаврнинг шох ва елка суюқларини қазиб олишга муваффақ бўлинган.

Олимларнинг таъкидлашича, суюқлар 25 августда топилган, бироқ топилганининг ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида бу ҳақда эндигина маълум қилинган.

Трицератопслар тахминан 66-68 миллион йиллар аввал Шимолий Америка ҳудудида мавжуд бўлган.

ЭНГ ЙИРИК АСТЕРОИД

сайёрамиз ёнидан учиб ўтди

Кузатувлар тарихи давомида Ерға яқинлашган астероидлардан энг каттаси бўлган Florence астероиди 1 сентябрда сайёрамиз ёнидан унга ҳеч қандай зарар етказмасдан учиб ўтди.

Таъкидлашича, само жисми Ерға 7 миллион километр масофага яқинлашган. Бу масофа Ердан Ойгача бўлган масофадан 18 маротаба каттадир.

Бу ҳодиса бунгача катта аниқлик билан ҳали ўрганилмагани сабабли ноёб ҳисобланади. Астрономларнинг таъкидлашича, бундай яқинлашишдан ҳеч қандай ҳавф бўлмаган. Илмий қизиқишнинг ортишига сабаб эса ушбу астероид ерға биринчи марта яқин келишидир.

Florenceнинг диаметри 4,5 километрга тенг бўлиб, у 1981 йилда америкалик астроном Шелте Бас томондан аниқланган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Эҳтиром

Наманган давлат университетида янги ўқув йилининг илк машғулотлари мамлакатимиз мустақиллигига бағишланди.

МУСТАҚИЛЛИК САВОҚЛАРИ

Мазкур илм даргоҳида бу йил икита янги йўналиш — доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда ер усти транспорти тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси мутахассислиги бўйича талабалар ўқишига қабул қилинди. 4 минг нафардан зиёдроқ йигит-қиз таҳсил олаётган дорилфунунда ўқитиладиган мутахассисликлар сони 27 тага етди.

Ўқув йилининг тантанали очилиш маросимида ўқитувчи ва талабалар, жамоатчилик вакиллари, ота-оналар, депутатлар Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг хотирасига хурмат бажо келтирилди.

Шундан сўнг университет ректори Абдусалом Умаров, сиёсий фанлар доктори, профессор Турсунбой Файзуллаев, Президентнинг вилоятдаги Халқ қабулхонаси раҳбари Баҳодир Каримов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Жамолддин Муслим ва бошқалар талабаларни янги ўқув йили билан табриклади.

Оймихон Абдураззоқова, Бобур Хўжабеков, Раъно Олимова, Жонибек Тожибоев ва бошқа талабалар етук мутахассис бўлиш учун астойдил ўқиб ўрганишларини изҳор этишди.

Тадбирда вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Хайрулло Бозоров иштирок этди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Давлат мукофоти совриндорлари

СОҒЛОМ ИНСОН — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотларини бериш тўғрисида»ги фармонида биноан бир гуруҳ юртдошларимиз Давлат мукофотида муносиб кўрилди.

Мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқро микёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлар, замон талабларига жавоб берадиган юксак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун олимлар, адиблар ва санъаткорлар, рассомлар биринчи ва иккинчи даражали Давлат мукофотида сазовор бўлдилар.

Хусусан, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг етакчи олимлари Мирзағолиб Тиллашайхов, Наргиза Парпиева, Вера Белоцерковецлар томонидан амалга оширилган «Ўзбекистон Республикасида аҳолига кўрсатиладиган силга қарши хизматни такомиллаштиришнинг фундаментал асосини яратиш» мавзусидаги амалий тадқиқот ҳам иккинчи даражали Давлат мукофотида муносиб кўрилди.

Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикасида силга қарши курашнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, ушбу йўналишдаги тиббиёт муассасаларининг иш-ни бутунги кун талаблари асосида ташкил этиш, замонавий тиббиёт асбоб ва ускуналари билан таъминлаш соҳасида амалга оширилган ишлар ва уларнинг самарасига бағишланади.

Маълумки, мустақиллик йилларида

аҳолига кўрсатиладиган ихтисослаштирилган фтизиатрия хизматининг вертикал бошқарув тизими ташкил этилди ва юртимизда фаолият кўрсатаётган барча силга қарши курашнинг муассасалари Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказига бирлаштирилди.

Натижада сил ва силнинг резистент тури билан касалланган беморлар универсал даволаниш усуллари билан тўла қамраб олинди. Уларнинг самарали даволаниши учун барча шароитлар яратилди. Амбулатор даволанишни кенгайтириш, даволашда янги технологияларни татбиқ этиш, ўпка ва ўпкadan ташқари аъзолар силлини замонавий технология жарроҳлик усуллари билан даволаш йўлга қўйилди. Шу сингари тадбирлар сил касаллигини даволаш самардорлигининг 85 фоиздан юқори бўлишига имкон яратди.

Энг муҳими, аҳолига кўрсатиладиган фтизиатрия хизматини такомиллаштириш натижасида республикада силнинг асосий эпидемиологик кўрсаткичларининг барқарорлиги вужудга келди. Сил билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари 2,0 ва 3,5 баробарга камайди.

Ҳозирги пайтда республикада силнинг эпидемиологик кўрсаткичлари Марказий Осиё ва МДХ мамлакатлари кўрсаткичларидан 1,5 баробарга пастдир.

Бу ютуққа мамлакатимизда силга қарши

куралиш тизимининг давлат тарафидан изчил қўллаб-қувватланиши, фтизиатрия хизматининг такомиллашган замонавий қонуний базасини ҳамда мукаммал менежмент тизимини яратиш, сил касаллигини эрта аниқлаш мақсадида замонавий, юқори технологияга эга бўлган молекуляр-генетик тезкор ташхислаш усулининг қўлланиши орқали эришилди.

Бундан ташқари, бактериологик ташхислаш менежменти тармоқларида 5 табақали лаборатория тизими ташкиллаштирилди. Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи тармоқларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар ва фтизиатрларнинг ма-лакаларини ошириш мақсадида ўқув қўлланмалар мажмуаси ишлаб чиқилди.

Давлат мукофотида сазовор бўлган тадқиқот доирасида 2 монография, 3 қўлланма, 20 дан ортиқ илмий мақола, шундан 15 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Дарвоқе, 2017 йилнинг май-июнь ойларида Нидерландия ва Швейцарияда бўлиб ўтган сил касалликлари муаммолари ва уларнинг ечими бўйича халқаро саммитда Европа ҳудудидаги 53 давлат ичида Ўзбекистон Республикаси силга қарши кураш дастури, эришилган ютуқлари ва сил касаллигини даволаш самараси, ўлим даражасининг пастлиги бўйича биринчи учликка кириши эътироф этилди.

Бу борада юқорида тилга олинган тадқиқот муаллифларининг ҳам катта ҳиссаси бор.

Давронбек МУХТОРОВ, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти фтизиатрия кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори.

Халқаро саммитда Европа ҳудудидаги 53 давлат ичида Ўзбекистон Республикаси силга қарши кураш дастури, эришилган ютуқлари ва сил касаллигини даволаш самараси, ўлим даражасининг пастлиги бўйича биринчи учликка кириши эътироф этилди.

КАПТАРКАМАР ҒОРИ



Сурхондарё жаҳон тамаддунида ўз ўрнига эга қадим ва сирли макон. Боботоғ тизмалари бағрида ўрта плеолит даврига мансуб манзиллар ва динозаврларнинг тошда қотган изларига дуч келинган бўлса, Бойсуннинг шимоли-ғарбидаги Тешиктош ғоридан қазиб олинган боланинг бош суяги дунёда «Неандерталь одам» номи билан машҳур. Айритомдан ўрта тош даврига оид осори-атиқалар, Мачай ғоридан эса тош қурооллар топилиб. Бундай ноёб осори-атиқа ва бебаҳо ёдгорликлар бу заминда инсониятнинг қадимги аجدодлари яшаганидан далолат беради.

Зараутсойдаги 200 дан ортиқ расм, тошга қизил бўёқ билан чизилган расмлар этнографияга оид санъат манбаси сифатида тан олинган. Этнограф олимлар Сополлитепа, Муллали, Жарқўтонда бугдой, арпа, сули, пахта экилганини аниқлаганлар. Бир сўз билан айтганда, қадим воҳада чорвачилик, деҳқончилик, боғдорчилик, ҳунармандчилик, кулолчилик, илму-урфон, санъат, маданият кенг тараққий этган.

Юртимизнинг жанубий вилоятида мингдан ортиқ ана шундай

ноёб манзиллар учрайдики, улар дунё олимларини ҳамон қизиқтириб келмоқда. Мустақиллик шарофати билан жаҳоннинг ўнга яқин мамлакати мутахассислари Термиз, Шўрчи, Денов, Шеробод ва бошқа туманларда тадқиқот ишларини олиб боришди. Излашлар натижасида хонақоҳлар, қасрлар, обидаларга дуч келинди.

— Сурхон тилсимотларга бой замин, — дейди тарих фанлари доктори, профессор Шопўлат Шайдуллаев. — Ўтган йилнинг поёнида ўзбек ва чех қадимшу-

нослари томонидан Шеробод туманида жойлашган Каптаркамар ғори аниқланди. Топилма етти та маданий қатламга эга бўлиб, энг қуйи қатлами мезолит даврига тўғри келади. Тадқиқотлар натижасида камар палеолит даврида



Шеробод туманидаги Каптаркамар ғори эшиги.

одамларга макон бўлгани ойдинлашди. Демак, машҳур Зараутсой қоятошларидаги суратларни шу ерда яшаган аجدодларимиз чизган бўлиши мумкин, деган тахминлар бор...

— Бу муҳим ёдгорлик Зараутсой ва Зарауткамар дараларидан қарийб 5 километр, Тешиктош номи билан машҳур ғордан эса 55 километр олисда жойлашган, — дейди археолог Одилжон Хамидов. — Қўхитанг тоғ тизмасининг шимоли ғарбида — денгиз сатҳидан 1 минг 380 метр юқоридаги мазкур ғорнинг баландлиги — 25-29 метр, узунлиги эса — 30 метрдан ортиқ. Ноёб топилма нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон тарихида ҳам ўзига хос янгилик бўлди. Маҳобатли камарга ичкарилаб борганингиз сайин қандайдир гайритабиий виқор ва салобатни сезасиз. Борлиқни сукунат ва жимжитлик қоплагандек туюлади. Беихтиёр хаёлга узок ўтмиш, қадим аждодлар келади... Каптаркамар ғорини ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.

Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Солиқ янгиликлари

Давлат солиқ хизмати идоралари томонидан замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни банкка бормасдан, «CLICK» ва «PAYME» тўлов тизимлари ёрдамида мобил телефон ёки интернет орқали онлайн режимида тўлаш йўлга қўйилган.

СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАШНИНГ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ

Ушбу тизимдан фойдаланиш фуқаролар учун бепул ва амалга оширилган тўловлар учун комиссия тўлов олинмайди. Шунингдек, тўланган солиқлар ҳақидаги маълумотлар солиқ тўловчиларнинг шахсий қарточкаларига тўғридан-тўғри қайд қилинади.

Ўзбекистон Республикасидаги барча тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган Online-Uzcard пластик карталари эгалари картага хизмат кўрсатувчи банкда ёки хоҳлаган банкмати ҳамда инфокиоскада Uzcard СМС-хабарнома хизматини ўз мобил телефонида улаши лозим.

Солиқ тўловчилар «CLICK» ва «PAYME» тўлов тизимларининг интернетдаги сайти ёки мобил иловаси ёрдамида мол-мулк, ер, даромад (декларация) солиқларини, ҳисобланган пенялар, жарималар ҳамда сугурта бадалларини тўлаши мумкин.

Юридик шахсларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида, «Электрон солиқ хизматлари» порталида жойлашган «Солиқ тўловчининг шахсий кабинети» орқали солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш тизими Марказий банк билан ҳамкорликда йўлга қўйилган.

Ушбу тизимнинг афзаллиги шундаки, солиқ тўловчилар солиқ ҳисоботларини тайёрлаб жўнатганидан сўнг, ҳосил бўлган солиқ мажбурияти суммасини тўлашга розилик бериши билан тўлов топшириқномаси автоматик равишда шаклланиб, солиқ тўловчининг ҳисоб-рақамидан хизмат кўлувчи тижорат банкига етказилади.

Агар ҳисоб-рақамда пул миқдори етарли бўлса тўлов шу захотиёқ амалга оширилиб, солиқ тўловчининг шахсий қарточкасига қайд этилади, акс ҳолда

тўлов топшириқномаси 2-қартотекага олиниб, бу ҳақида Давлат солиқ қўмитасига электрон хабарнома юборилади.

Солиқ тўловчининг тўлов топшириқномаси тўғрисидаги маълумотномани давлат солиқ хизмати идораларига олиб келиб кўрсатишга эҳтиёж қолмайди.

Шу билан бирга, корхона ва ташкилотларда ишловчи ходимларнинг мол-мулк ва ер солиқларидан бўлган қарздорлик юки жорий йил учун ҳисобланган маҳаллий солиқларини онлайн орқали тўлаш имконияти ҳам яратилган. Иш бевручи ўз ходимининг аризасига мувофиқ, маҳаллий солиқларни битта тугмани босиш орқали бюджетга ўтказиб бериши мумкин.

Тўловлар автоматик равишда ходимнинг шахсий қарточкасига ёзилади ҳамда қарздор ходимларнинг реестрини қўғоз шаклида солиқ идорасига тақдим этишга эҳтиёж қолмайди. Мухими, ушбу тўлов тизимларидан фойдаланиш мутлақо бепул.

Жорий йил бошидан «CLICK» ва «PAYME» тўлов тизимлари орқали 10 мингдан ортиқ солиқ тўловчи жисмоний шахслар томонидан маҳаллий солиқлар электрон шаклда тўланди.

Шунингдек, юридик шахслар электрон шаклда 30 мингдан ортиқ ўз ходимларининг мол-мулк ва ер солигини тўлаб бердилар.

Электрон хизматлардан фойдаланиш тизимининг тобора ривожланиши аҳолининг вақти ва маблағларини тежашга хизмат қилмоқда.

Холбўта ИСМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг
бошқарма бошлиғи.

Реклама

S&P Global Ratings

Халқаро рейтинг агентлиги

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий фаолият
Миллий банкининг

кредит рейтингларини

ТАСДИҚЛАДИ


узок муддатли рейтинг: **B+**
қисқа муддатли рейтинг: **B**

Рейтинглар истиқболи:

“Барқарор”

Ватанимиз равнақи йўлида Сиз билан бирга!

www.nbu.com



ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- Ямобуры
- Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ
1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 938

9118

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 00:10

Topshirilgan vaqti — 00:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5 6